



**Кун нафаси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати раиси Маулен Ашимбаевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Марказий Осиёда қонун устуворлиги дастури доирасида Бошқарув қўмитасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2021 йилнинг 14 июнидан бошлаб номинал қиймати 2 000 сўм ва 20 000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиларининг муомалага чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинганини маълум қилди.

Ўзбекистоннинг Куала-Лумпурдаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (ЭРА) ва «Fusionex» (Малайзия) компанияси вакиллари ўртасида онлайн музокара-лар ташкил этилди.

«Artificial Intelligence 4 Development Agency» (AIDA) Европа порталида Бельгиянинг «Diplomatic World Institute» тақлилий маркази лойиҳа менежери Альберто Туркстранинг «Ўзбекистон: инновацион иқтисодиёт тонги» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф Ўзбекистон 2016 йилда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида бошланган ислохотлар суръати ва кўлами сабабли халқаро ҳамжамият эътибори марказида турибди, деб таъкидлагани.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда Қўйтош ва Қорасойда сейсмик станциялар ўрнатишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда АҚШ элчихонаси хабар берди.

Олимжон Ўсаров Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси этиб сайланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2021 йил  
5 июнь  
шанба  
№ 73-74  
(4514)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



## Бундан буён Ўзбекистонда биронта ҳам аёл давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

### Президентга мактублар:

## «БИЗ ҲАЁТДАН РОЗИМИЗ!»

«Инсонларни китоб каби англаш. Муқовасига қараб алданманг, ичини ўқиб чиққачгина моҳиятини биларсиз...».

Бугун мамлакатда амалга оширилаётган ҳаётбахш ташаббус – «Аёллар дафтари»ни «варақлар» экансиз, Жалолдин Румийнинг ушбу ҳикмати ёдга тушаверади.

Ҳаёт шундай... Унда турфа тақдирлар бор. Тақдирнинг зарбалари баъзан одамни эсанкиратиб қўяди, баъзан тақдир раво кўрган ҳаёт билан яшашга

маҳқум бўлади инсон. Не бўлганда ҳам, ҳаёт учун курашдан чекинмаслик, матонат ва сабот билан олға интилиш керак. Аммо баъзан бунга етарли куч тополмай қоламиз. Узимиз билиб-билмай атрофдан бир мадад, бир меҳр кутамиз. Шундай вазиятда бир кичик туртки ҳам инсон ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ва инсонпарварлик сиёсатининг мағзини бугун «Аёллар дафтари»ни варақласангиз, яққол кўрасиз. Давлатимиз раҳбарининг «Одамлар ҳа-

ётдан бугун рози бўлсин», деган эзгу тамойилининг амалдаги исботига шоҳид бўласиз.

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Амалга оширилаётган ишларни таҳлил этар экансиз, ҳазрат Навоийнинг ушбу ҳикматида қанчалик улуғ маъно мужассамлигини англайсиз. Обод бўлаётган ҳаёт, обод бўлаётган кўнгилар манзараларини кўрасиз.

«Ishonch» газетасига «Аёллар дафтари» сабаб нурафшон бўлган кўнгиларнинг дил изҳорлари – миннатдорлик мактублари келмоқда. Улар ҳаётбахш ташаббус эгаси – Президент номига битилган.

Таҳририят ушбу дилномаларнинг баъзиларини эълон қилишга қарор қилди. Зеро, матбуот жамият кўзгуси, жамият минбари. Мактубларда эса битта муҳим маъно буй кўрсатиб турибди: БИЗ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛЯПМИЗ!

>>> 2-3-4-5



ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУНУ КҮН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

**1092 –**

ҚИСҚА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!

Муносабат

## БУНЁДКОР ҒОЯЛАРДАН РУҲЛАНИБ...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи воҳа аҳлини беҳад мамнун этди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати сифатида мени суюнтирган масалалардан бири аҳолининг асрий орзу-умидлари бўлган вилоятнинг шимолий тоғли ҳудудидан оқиб келаётган «Тўпаланг» дарёсининг тоза ичимлик сувини 400 километр масофага вилоятнинг жанубий туманларига қувурлар орқали олиб келиш вазифаси қўйилгани бўлди. Тегишли идораларга 2 ой муддат ичида лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш топшириғи берилди. Ушбу лойиҳага 150 миллион АҚШ доллари ажратиш кутилмоқда.

Мазкур лойиҳа вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг ягона йўли бўлиб, жанубий туманларнинг ичимлик сув тақчиллигидан азият чекиб келган 1,5 миллион аҳолисининг орзу-умидларини рўёбга чиқаради. Ушбу масалани ҳал этишининг бундан бошқа муқобил йўли йўқ.

Шунингдек, машҳур анорлари билан бутун дунёга донг таратган Дашнобод қишлоғида туғилганим учун мени таъсирлантирган яна бир

лойиҳа бу вилоят ҳудудида, Шеробод ва бошқа туманларда 10 минг гектар субтропик экин бўлган анорзорлар барпо этиш ва анор меваларини қайта ишлаб, унинг шарбати ва дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш масаласидир. Бу Сурхондарёнинг қуёшли иқлимидан, табиатидан унумли фойдаланишнинг яна бир йўлидир.

Бундан қирқ йил бурун Тошкент халқ хўжалик институтини битираётиб устозим Абдулатиф Абдуғаниев раҳ-



Абдукарим АҲМЕДОВ, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгаши депутати

барлигида Сароисий тумани «Дашнобод» анорчилик хўжалиги мисолида «Анорчиликнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусида диплом иши

ёзиб, ҳимоя қилган эдим. Унда анор етиштиришнинг рентабеллиги жуда юқори – 200-300 фоиз экани, яъни сарф-харажатлардан олинган соф фойданинг ниҳоятда юқорилиги ёритиб берилиб, ҳозирда ҳам институт кутубхонасидан жой олган.




Шеробод туманидаги «Каттабоғ» маҳалласида анор етиштирувчи Абдурахмон Каримов ҳам 0,25 га. анорзордан 20 миллион сўм харажат қилиб, 70 миллион сўм даромад олгани ёки бўлмаса, ҳар гектар пахта майдонидан 20 миллион сўм даромад олиб турган бир пайтда бу ҳар гектар анор майдонидан 10 баробар кўп, яъни 200-300 миллион сўм даромад олиш мумкинлигини кўрсатиб бермоқда. Бу анор маҳсулотини бутун дунёга экспорт қилиб, вилоят иқтисодий потенциалини кўтариш имкониятини беради.

Президентимиз Сурхондарё вилояти иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳалар ривожланишидан

бошқа вилоятларга нисбатан 15-20 йил орқада қолганини таъкидлаб, жуда катта миқдордаги ажратилган маблағлардан самарали фойдаланган ҳолда ҳудуддаги оқсоқликларни бартараф этиш ҳақида сўз юритди. «Сурхондарёда нуронийлар бошчилигида битта жамғарма тузиб, халқ ризқини ўғирлаган одамларга нафрат уйғотадиган тизим яратиш керак. Нуронийлар бориб, ўша одамларнинг кўзини очсин. Мана шундай қилсак, халқнинг ҳалол пули тежалиб, одамлар турмушларидан рози бўлади», деган сўзларидан беҳад таъсирландим.

Кучли жамоатчилик назоратини олиб бориш биз, жамоат ташкилотлари, депутатлар ҳамда нуронийларнинг зиммасидаги энг долзарб вазифа бўлиб, ташриф чоғидаги фаоллар йиғилишида берилган топшириқлар ижросини тўла-тўқис таъминлашда, албатта, фаол иштирок этамиз.

Келгуси сонларда ўқинг...



Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган **12-11** қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.









## Унутилмас кун



## Кимёгарлар фарзандлари учун

Ҳар йили май ойининг тўртинчи якшанбаси «Кимёгарлар кўни» байрами сифатида нишонланади. Шу муносабат билан жорий йилда ҳам ўтказилган тадбир ва бадий кечаларда фаол ишчи-ҳодимлар муносиб тақдирланди.

Байрам тадбирлари доирасида ишчи-ҳодимлар ва уларнинг фарзандлари учун Фарғона шаҳридаги «Кимёгар» ёшлар маданият боғида байрам сайли ташкил этилди. Болажонлар турли хил кўнгилочар ўйин ва мусобақаларда қатнашишди. Уларга совғалар улашилди. Ма-

даният боғидаги аттракционлар жамми ўғил-қизлар учун бепул хизмат кўрсатди.

**Шавкат ТОИРОВ,**  
Кимё ва фармацевтика sanoati ҳодимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

\*\*\*



## Янгилик

## Ходимларга яна бир қулайлик

«Ўзметкомбинат» АЖда яна бир эътиборли воқеа рўй берди. Электрда пўлат эритиш цехининг эски ошхонаси замонавий меъморчилик усулдида мукамал таъмирланди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Бекобод шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев, «Ўзметкомбинат» АЖ бош директори Рашид Пирматов ва меҳнат фахрийлари, ишчи-ҳодимлар қатнашди. Сўзга чиққанлар ишлаб чиқариш заҳматқашларини янги бино билан қўлаб, комбинат фаолиятига муваффақият тиладилар.

Янги ошхонада дастурхон

Ўз муҳбиримиз

\*\*\*

## Қашқадарё вилояти

## Тухфа

## Бола кулса, дунё кулади

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташиқлотлар ҳам болажонларга қувонч улашишга ҳаракат қилишди.

Хусусан, вилоят ички ишлар ходимларининг 500 нафар фарзанди учун Қарши шаҳридаги истироҳат боғида чипталар тақдим этилди. Яна болажонларга 2 миллион 60 миң сўмлик китоблар совға қилинди. «Ипотека банк»нинг Қашқадарё вилояти филиали ходимларининг 80 нафар фарзанди эса «Вилоят кўйроч театри»га қувонч томошага олиб борилди. Жамми ўғил-қизлар ширинлик-

лар билан сийланди. «Ватанпарвар» ташиқлоти Шаҳрисабз автомобиль мактаби ташаббуси билан шаҳардаги 26-мактабга таълим ташиқлотига қувонч тадбир ўтказилди. Унда муассаса тарбияланувчилари ўртасида спорт мусобақаси ҳам ташкил этилиб, фаол иштирокчилар автомактаб жамоаси томонидан муносиб тақдирланди.

**Акмаль АБДИЕВ,**  
«ISHONCH»

## Ички туризм

## Кўнгилли саёҳат

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Чироқчи тумани кенгаши аъзоларининг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Яқинда бир гуруҳ ўқувчилар ва касба уюшма фаоллари учун қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди. Саёҳатчилар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлиши, тарихий обидаларни зиёрат қилишди.

**Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,**  
меҳнат фахрийси  
Чироқчи тумани

## Жамми вужудлардаги офир дардларга малҳам улашиб

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология марказида даволанаётган болалар учун хайрия тадбири ўтказилди.

Унда Федерация аппаратининг Ёшлар билан ишлаш, Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимлари масъул ходимлари ҳамда тиббиёт муассасаси шифокорлари, бемор ўғил-қизлар ва ота-оналари иштирок этишди. Ҳозир марказда республикамизнинг турли худудларидан келган 52 нафар бемор бола даволанмоқда. Имрон Пардабоев ҳам улардан бири. У тўрт ойдири, шу ерда. Шифокорлар унга лимфа тугунлари зарарланиши

ташхисини қўйишган. — Бу ерга келганимизда ўғлимнинг аҳоли анча офир эди, — дейди И.Пардабоевнинг онаси. — Чунки лимфа тугуни яра бўлиб, йиринглаб, шишиб кетган эди. Бугунга келиб, боламнинг саломатлиги анча яхшиланди. Врачларнинг эътибори ва фамжурлиги туфайли у дардан аста-секин фориғ бўляпти. Худо хоҳласа, тез орада муолажаларни тугатиб, уйга қайтаман.

— Бемор болаларни соғлом ҳаётга қайтариш учун бу ерда барча



шароитлар яратилган, — дейди марказнинг болалар бўлими бошлиғи Даврон Раҳимов. — Дори-дармон ва озиқ-овқат тўлиқ давлат ҳисобидан. Мавриди келганда, шуни ҳам айтиш жоизки, беморлар орасида ота-онаси ло-ақал ойда бир бор йўқламайдиганлари ҳам бор. Яқинларининг дийдорига муштоқ фарзандлар

эшикка термулиб, кун санайдилар. Шундай кезларда биз уларни юпатиш, хаста дилларига таскин-тасалли бериш учун сўз топпаймиз, жавдираб турган кўзларига тик қарай олмаيمиз. Яхшиямки, давлатимиз уларни қаровисиз ташлаб қўймапти. Шунинг шарофати ўлароқ, турли саналар муносабати билан байрам тадбирлари, хайрия акциялари ўтказяпмиз, уларга ҳомийларнинг совға-саломларини улашяпмиз.

Хайрия тадбири давомида Федерация томонидан марказда даволанаётган болаларга бошдан-оёқ кийим-кечак ва санитария гигиена воситалари совға сифатида топширилди.

**Гўломжон МИРАҲМЕДОВ,**  
«ISHONCH»



## Тошкент шаҳри

## Етакчилар анжумани

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси ташаббуси билан Бўстонлик туманида жойлашган «Угам» оромгоҳида ўқув-семинар ўтказилди. Унда бирлашган қўмита таркибидagi қирққа яқин корхона ва ташиқлотнинг касба уюшма қўмитаси раислари ва фаоллари иштирок этди.

Семинарда маърузачилар жамма шартномаларини тузиш ва ижросини назорат қилиш, меҳнат муҳофазасига риоя этиш, касба уюшмаси бюджетини режалаштириш ва ҳисоботини юритиш, санаторий ва дам олиш уйларига йўланмалар бериш тартиби хусу-

сида маълумот беришди. — Ўқув-семинар давомида бирлашган қўмитанинг келгусидаги режаларини тузиш, бошланғич ташиқлот раислари ўртасида иш тажрибаларини оммалаштириш, иш жойларида бошланғич касба уюшма ташиқлотлари нуфузини кўтариш борасида

фикр алмашилди, — дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси раиси Дилфуза Исмоилова.

Семинар доирасида иштирокчилар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Унда бошланғич ташиқлотлар раислари спортнинг шахмат, шашка, дартс, бадминтон, стол тенниси ва волейбол каби турлари бўйича ўзаро беллашилди.

**Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,**  
«ISHONCH»



**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«ISHONCH»

## Эълон

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ўтказиладиган савдога тақлиф этади!

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ўтказиладиган савдога тақлиф этади «Ўзмиллибанк» АЖ Марказий амалиёт филиалининг 03.06.2021 йилдаги 01-1566/02-сонли бюртманомасига асосан, филиал балансидagi Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўртаовул» ҚФЙ, Алишер Навоий кўчаси, 80-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 0,1975 га., умумий қурилиш ости майдони 699,02 кв.м. бўлган «Ишлаб чиқариш цехи бино ва иншоотлар» қўйилмоқда.

Объектнинг бошланғич баҳоси — 1 182 310 400 сўм.

Савдо 2021 йил 15 июнь кўни соат 16:00 да Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темуր кўчаси, 101-уйда бўлиб ўтади. Мазкур объект шу кўни сотилмай қолган тақдирда, тақрибий савдо 2021 йилнинг 31 декабрига қадар ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кўнлари соат 16:00 да бўлиб ўтади.

Савдода иштирок этиш учун бюртманомаларни қабул қилиш савдодан уч соат олдин, соат 9:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби «Харидор»га қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

— савдо ғолиби (Харидор) савдо натижалари тўғрисидаги баённомани имзолагандан сўнгра 5 кун мuddат ичида Сотувчи билан объ-

ектнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириб, жами сотилиш қийматининг 51 (эллик бир) фоизини бошланғич тўлов сифатида амалга ошириш ва объект сотилиш баҳосининг қолган қийматини олди-сотди шартномаси имзолагандан сўнгра фоизсиз мuddатли тўлов асосида, яъни 6 (олти) ойлик имттиёзли давр билан 2 (икки) йил мобайнида тасдиқланадиган тўлов графикага асосан ой-ой тўлаш;

— ҳужжатларни расмийлаштиришдаги тўловлар, «Савдо ташиқлотчиси»га тўланадиган комиссия тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар «Харидор» маблағи ҳисобидан амалга оширилади;

— объектни зарардан, ёнгиндан ва табиий офатлардан «Харидор» томонидан шартноманинг тўлиқ мuddатига суғурта қилдириш.

Талабгорлар томонидан сотиб олиш нархи ва тўлов мuddатлари тўғрисидаги тақлифлар талабларга мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхада тақдим этилиши шарт.

Мулк эгаси томонидан ўз аризасида энг юқори нархни энг қисқа мuddатда тўлашни тақлиф этган талабгорни ғолиб деб топади. Битта талабгор томонидан ариза тақдим этилган тақдирда шартларга мувофиқ берилган тақлиф мос келган ҳолда қўлиб аниқланади.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнгра объект бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳри Миробод филиали, х/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим.

Риелторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга қўлмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхада тақдим этилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан бюртманомалар ва конвертлар эълон чиққан кўндан бошлаб расмий иш кўнлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳри, Яққаров тумани, Шота Руставели кўчаси, 68-А уйда қабул қилинади. Савдода иштирок этиш учун талабгорлар realtorservice@mail.ru электрон почта ёки 95-170-78-13 телефонига муурожаат қилишлари мумкин.

Лицензия RR — №0008

## Тадбир

## Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштиришга оид буйруғи қўмитанинг Самарқанд вилояти бошқармсини «арининг ини»дек тўзғитиб юборди. Ахир шу буйруқда 20 нафардан зиёд ходимга ўз иш ўринлари билан хайрлашиш тақлифи берилган эди-да.

**Касба уюшмаси аралашгач...**

## СЕВАРА ишдан бўшатилмайдиган бўлди

Яқин кўнларда она бўлиш арафасида турган Севара Баҳридиновага бошқарма маъмуриятининг 2021 йил 29 апрелдаги огоҳлантириш хати келди. Унда штат жадвалига қисқартириш киритилгани боис, у ишдан бўшатилгани баён этилган эди. Шундоқ ҳам ҳомилдорлик таътили тадоригини кўраётган аёл ўз ҳолатини тушунтиришга интилди. Аммо...

Шундан сўнгра у Олий Мажлис Сенати, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига шикоят хати йўллади.

Масалани Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Самарқанд вилояти бўйича ҳуқуқ инспектори тармоқ касба уюшмаси вакиллари билан ҳамкорликда ўрганиб чиқди.

Ўрганишлардан маълум бўлдики, Севара Баҳридинова Самарқанд давлат университетининг экологик муҳофаза йўналиши бўйича мутахассислик дипломига эга. Етти йилдири, шу соҳада меҳнат қилиб келмоқда.

— Бошқарма мутасаддиларига Меҳнат кодексининг 237-моддасига зид иш тутилганини тушунтиришга интилдик, — дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Самарқанд вилояти бўйича ҳуқуқ инспектори Улугбек Фаниев. — Улар ҳам ҳомилдор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш бериувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслигини англашди.

Касба уюшмалари ва бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Г.Абдураҳмонов ўртасидаги музокаралардан сўнгра қарорга келинди. Жамоат ташиқлоти аралашуви билан муурожаатчи Севара Баҳридинова ўз иш ўрнида қоладиган бўлди.

Айни пайтда шу ташиқлотдаги иш ўринлари қисқаришга тушган яна 4 нафар ходимга тааллуқли муурожаатлар ҳам тегишлилик даражасида ўрганилмоқда.

Назаримизда, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбариятининг 2021 йил 7 апрелдаги 130-сонли буйруғининг мазмун-моҳияти жойларда тўғри англаб етилмапти. Бу эса гувоҳи бўлганимиздек, бир қатор тушунмовчиликлар, фуқароларнинг овора бўлишларига сабаб бўляпти.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«ISHONCH»





Таҳлил

### ёхуд янги алифбомиз ҳақидаги эски ўйлар

**Гапнинг очигини айтганда, биз яқин-яқингача фойдаланиб келган кирилл алифбоси ҳам, амалдаги латин алифбоси ҳам тилимизнинг ўзига хос жиҳатларини, таъбир жоиз бўлса, рангини, ҳидини акс эттиришга ожизлик қилди. Афсуски, эндиликда таклиф этилаётган янги алифбо ҳам шу қусурлардан холи эмас. Шу жиҳатдан, латин ёзуви асосланган ўзбек алифбосига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини муҳокама этиш мuddати 2021 йилнинг 1 ноябрига қадар ўзайтирилгани жуда тўғри қарор бўлди.**

Менга қолса, тилинг зоҳирий унсурларидан кўра, ботиний жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратган бўлар эдим. Ахир Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетидек катта илмий даргоҳ ташкил этилганига қарамай, тилимизнинг имлоси, тилда тиниш белгиларини ишлаштириш, ундаги қонуният ҳануз аниқ-тиниқ ифодаланмаган. Оддий ватандошларимиз у ёқда турсин, ҳатто матбуот соҳада ишлайдиганлар ҳам у ёқда бу сўзнинг ёзилиши, тиниш белгиларининг ишлатилиши, сўзларнинг тусланиши ва ҳоказоларга турлича ёндашиб келмоқдалар. Бу эса, сўзсиз, ўзбек тилшунослигининг давр билан ҳамқадам эмаслиги, тилимизнинг ривожланиши учун зарур меъёрларни таклиф этмаётгани билан боғлиқ. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: университетда олиб борилаётган илмий ишлар нега бу каби доллар масалаларнинг ечимини топиб беролмапти? Амалдаги таътиқ этилмайди, соҳа ривожига ижобий таъсир қилмайдиган илмий изланишлардан нима наф?

Хуллас, қайси сабаблар бундай инқилобий ўзгаришларга туртки бермасин, шовша-шошарлик, сўнгги пайтларда катта-кичик давраларда ҳўб авж олган популизм асосида қарор қабул қилиш ярамайди. Нима учун?

Келинг, фикримни қисқача ифодалашга ҳаракат қиламан. Айтилайик, барча халқлар ўз ёзувига эга. Ва бу ёзувлар латин ёзувдан тубдан фарқ қилади. Аммо бу ўзига хос алифбо ўша миллатларнинг чет тилларини билишига, қолавверса, дунёнинг олд мамлакатлари қаторидан жой олишига асло монелик қилаётгани йўқ. Озми-кўпми, чет тилларини билган одам сифатида айтмоқчиманки, алифбо шакли бизнинг илм-фан соҳасида тараққиёт этиб кетишидан мингга заррача таъсир қилмайди. Аксинча, миллат юз йиллар (бизнинг мисолимизда яқин 70 йил) ичида тўплаган фан-маданият, адабиёт ва бошқа соҳалардаги барча моддий бойликларимиз билан сўнгги 30 йиллик тарихимиз ўртасида қисман бўлса-да, узилтишлар пайдо бўлиши, муассасано ташиқлотларни, виллаёт, шаҳар, туман кесимидаги топоним атамаларни қайта номлаш, олднинг ёзма меросимизни қайта чоп этиш, пул бирликларини қайта чиқариш каби ўнлаб-юзлаб биз билган ва билмаган масалалар юзга қалқиб чиқиши тайин. Ва, табиийки, буларнинг барчаси маблағ билан боғлиқ.

**НИМА БЎЛГАНДА ҲАМ, БИР НАРСА АЁН: БУГУН ҚАЙСИ АЛИФБОНИ ТАНЛАШ КЕРАК, ДЕГАН САВОЛНИНГ ЎЗИ ЎРИНСИЗ. ЗЕРО, ЛАТИН ЁЗУВИДА САВОД ЧИҚАРГАН ЁШЛАРИМИЗ АЛЛАҚАЧОН ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ҚИСМИГА АЙЛАНИБ УЛГУРДИ. ЭНДИ КИРИЛЛ АЛИФБОСИГА ҚАЙТИШ ИЖТИМОЙ ФАОЛ ЁШЛАРИМИЗНИ ҲАМ САВОДСИЗЛИК ГИРДОБИГА ТАШЛАШ БИЛАН ТЕНГ БЎЛАДИ.**

Бундай муаммоларга латин ёзувига ўтиш билан боғлиқ ўтган чорак асрлик таъбирбамизда ҳам гувоҳ бўлдик. Барча идора, ташкилот ва жой номлари, далолатнома шаходатнома, дипломлар гувоҳнома лотинчага ўтирилди. Кирилл алифбосидан илмий-адабий меросимизнинг бир қисми латин алифбосида чоп этилди. Аммо бу китоблар акса-

рият ҳолларда жиддий хатолар билан чиқди. Афсуски, бундай аянчли ҳолат бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Нима бўлганда ҳам, бир нарса аён: бугун қайси алифбони танлаш керак, деган саволнинг ўзи ўринсиз. Zero, латин ёзувида савод чиқарган ёшларимиз аллақачон жамиятнинг фаол қисмига айланиб улгурди. Энди кирилл алифбосига қайтиш ижтимоий фаол ёшларимизни ҳам саводсизлик гирдобига ташлаш билан тенг бўлади.

Масаланинг қанчалик долзарблигини англагандирсиз? Тасаввур қилинг: янги алифбо қабул қилиниши билан бу жараёнларни яна қайта яшаб ўтишимизга тўғри келади. Алифбода тўртта харф ўзгаради — ўнграми, фарқи йўқ. Сарф-харажат — битта! Яна идора, ташкилот ва жой номлари, ҳужжатлар матни ўзгаради. Китобларни қайта нашр этиш эҳтиёжи пайдо бўлади... Бу ерда ҳали мактаб ва олий таълим муассасалари дарсликларига ҳисобга олинмапти...

Хуллас, айтмоқчи бўлганим — улкан маблағ талаб этадиган бу ислохотга ўта жиддий ёндашув зарур, токи яна бир неча ўн йил ўтиб, алифбони янгилашга эҳтиёж қолмасин. Муҳокама этилаётган алифбо — янги Ўзбекистоннинг янги ва мукамал алифбосига айлансин!

Модомики, латин алифбосига ўтиш «ё ҳаёт, ё мамот масаласи» экан, келинг, янги алифбомизда нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилайлик.

Сўнгра 3 йил мобайнида қозоқ биродарларимиз латин ёзувида асосланган ўз алифболарини яраттишга жидду жаҳд билан киришдилар. 2018 йили таклиф этилган алифбо 2021 йилга келиб, анча такомиллашти. Қозоғистон Президентининг Қозоқ алифбосини кириллдан латин ёзувига ўтказишининг баъзи масала-ларига оид фармони лойиҳаси шу йилнинг апрель ойида умумхалқ муҳокамасига кўйилиб, кўйидаги алифбо назарда тутилади. Авалло, 2018 йилги тахрирдаги икки харф — бир товуш масаласи бу кўринишда анча такомиллашган. Яъни, қозоқ бо-вурларимиз бир товуш — бир харф тамойилидан келиб чиқиб, ng, sh, ch каби харфларни битта харф билан ифодаланиши маъқул кўрганлар. Энг қизиғи, латин тилига асосланган озар алифбосида 32, қозоқ алифбосида 31, туркман алифбосида 30 та харф бўлгани ҳолда, ўзбек алифбосида 28 та харф ва битта харфлар бирикмаси таклиф этилаётгани таассуфли ҳолдир. Янги латин алифбоси атрофида баҳс юритаётганларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** — жузъий ислоҳот тарафдорларининг фикрича, амалдаги алифбога деярли ўзгартиш киритмай, O', G' харфларининг кўп муам-

мога сабаб бўлаётган қўшимча белгисини алмаштириш керак, холос.

Дарҳақиқат, O', G' харфларини тўғри ёзиш учун аввал O' ёки G' харфи, сўнг «Alt» тугмаси босилади, ундан кейин махсус код — 0145 тиради. Бунинг ниҳоятда қийин эканлигини амалдаги алифбода матн тираётган хар бир одам яхши билади.

**Иккинчи гуруҳ** — мўтадил ислохот тарафдорларининг фикрича, O', G' харфлари билан бир қаторда Ch, Sh харфлари ҳам ислохотга муҳтож. Масалан, икки харф бирикмасини ёзаётганда, AQSh деб ёзиш тўғрими ёки AQSH деб? Бу — масаланинг яққол кўриниб турган жиҳати.

**Учинчи гуруҳ** — жиддий ислохот тарафдорларини эса алифбога O', G', Ch, Sh харфлари билан бирга J' ундоши ва i, o, u унлиларини қўйиши ҳам таклиф этиётганлар ташкил этади.

Дўппини бир четга олиб, фикр қилинса, ҳар бир гуруҳнинг гапидеа жон бордек. Дейлик, жузъий ислохот тарафдорлари алифбони жиддий ўзгартирса, қайи ўтмишимизда чоп этилган китоблар тақдири, фарзанд-

ларимиз саводхонлиги нима бўлади, деган фикрда.

Мўтадил ислохотчилар фақат муаммоли тўртта харфини ислоҳ қилайлик, алифбога янги харфлар киритиб, халқни қўшимча имловий бошоғриклар гирдобига отмайлик, деяётган бўлса, жиддий ислохот тарафдорлари тилимизнинг бор имкониятларини тўлиқ акс эттирадиган мукамал алифбога эга бўлайлик, демоқда.

Аммо, юқорида айтганимдек, жузъий ислохотларга ҳам, жиддий ислохотларга ҳам бирдек сарф-харажат кетишини инобатга олсак, алифбони тилимизнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, жиддий ислоҳ қилиш зарурга ўхшайди.

Нима учун? Таклиф этилаётган янги алифбо лойиҳасидаги Ç (Ч) харфига эътибор беринг. Унинг асл шакли — С харфи янги алифбомизда йўқ. Каминанинг исми турк тилида Çhangir (Жаңангир) шаклида ёзилади. С харфи биздаги Ж харфини ифода этар экан, мантиқан олиб қараганда, Ж харфига яқин Ч харфининг Ç шаклида ёзилиши тўғридир.

Баъзи бир «мутахассис»лар Ж харфини иккига бўлиш (жирафа, журнал каби сўзлар учун), жаҳон, жалб, жинс каби сўзлар учун С харфларини, айниқса, «жўжа» сўзидаги портловчи Ж учун С харфини қўллашга қарши бўлиб, «...мамлакатимизга хорижий давлатлардан, айниқса, Европанинг бадавлат давлатларидан туристларни кўпроқ жалб қилиш, шунинг ортидан иқтисодий тишимизни кўтариш масаласи кўндаланган бўлмоқда. Улар-

нинг аксариятида С харфи жойига келса с ёки ч, жойи келса к шаклида ўқилади. Янги имломиздаги CIZAX, ANDICON каби

с ў з л а р и и ў қ и ш д а чалкашликлар келиб чиқмайдими? Умуман, лотинчада саводи чиққан ёшларимиз ҳам чалкашишига йўл очиб берамиз», деган иддаолари одамнинг ҳақли истеҳзосига сабаб бўлади.

**Биринчидан**, чет эллик сайёҳлар оқимининг кўпайиши ёки камийиши алифбомизга боғлаш — нотўғри. Бу — сайёҳларга нимани ва қандай кўрсатишимизга, сервис хизматининг сифатига, мамлакатимизга келиб-кетишнинг қанчалик осонлигига, хизматлар нархининг

берадиган «формула» ишлаб чиқиши керак, назаримда.

Туркий тиллар орасида энг ширали, энг бой тил деб ғурурланадиганимиз — ўзбек тили алифбосини шу жиҳатдан ҳам қайта тафтиш қилиб кўриш лозим деб ўйлайман.

Яна бир мисол. Кирилл алифбосида икки унли товушимиз битта «И» харфи билан ифодаланган эди. Бу камчилик янги латин алифбосига ҳам шундайлигича кўчиб ўтди.

Ваҳоланки, озар қозоқ дўстларимиз икки «И» харфини қабул қилганлар. Қолавверса, турк тилида ҳам иккита «И» харфи мавжуд. Ҳатто ўзимизнинг қондош қорақалпоқ тилида ҳам бу икки товуш алоҳида харфлар билан ифодаланган. Яъни, юқорида номлари зикр этилган қардошларимизда I ва i товушлари фарқланади. Аслида I ва i товушлари бизда ҳам бор. Масалан, «икки» сўзидаги биринчи «и» чўзык, охиридаги «и» ёпик, «сиз» сўзидаги «и» ҳам, «Йигирма»даги ҳар икки «и» ҳам ёпик талаффуз этилади. «Кўмир»даги «и» ҳам ёпик, шу боис, чаласавод (балки саводли) ватандошларимиз «кўмир»ни «кўир» шаклида ёзади. Хуллас, «кўпинча» эмас, «кўпунча», «ил-кис» эмас, «илкыс»...

Бу ҳолат нега янги алифбонинг яратилишига бош-қош бўлаётган тилшунослар назаридан четда қолаётгани қизиқ.

Яна бир масала. Негадир «нг» товуши алифбомиздан жой олишти керак, деган таклифлар унга ётганига қарамай, янги алифбода ўта ўрин биланлангани ҳайратланарлидир. Ваҳоланки, бу товуш озар (Ñ), қозоқ (Ŋ), туркман (Ň) тиллари алифбосига битта харф сифатида киритилган.

Яна бир масала Ц харфини белгилаш билан боғлиқ. Истаймизми-йўқми, баъзи сўзларни шу харф билан белгилашимиз шарт. Цех, циркуль, цирк, акция... Ц харфини битта С харфи билан ифодалаш ўрнига Ts харфлар бирикмасидан ёки бошқа янги харфдан фойдаланиш керакдир?

Бу масалаларни осон ҳал этишга Юникод (одамлар тушуниши мумкин бўлган матн ва рақамларни сақлаш учун компьютер учун белгиларни рақамларга ўзгартирадиган код бўлиши керак. Юникод стандарти бундай кодни белги кодлаш ёрдамида белгилайди) деган муаммо ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Баъзи мутахассислар танланаётган харфлар Юникод стандартлари асосида бўлиши керак, деган фикрда.

Хуллас, саволлар кўп. Жавоблар эса йўқ. Назаримда, янги алифбо ижодкорлари амалдаги латин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси билан боғлиқ қандай муаммолар латин ёзувида тўлиқ ўтишга тўсқинлик қилаётгани, таклиф этилаётган алифбо бўлганда қандай бартараф этиши борасида ватандошларимизга тушунтириш беришлари, бошқача фикр билдираётган мутахассисларимиз эса ўз фикрларини мантиқан асослаб беришлари зарур.

Акс ҳолда, икки алифбо ўртасидаги аросатга барҳам бериш ўрнига, юртдошларимизни унга алифбо ўртасида ривожланишига замин яратиш ҳам ҳеч гап эмас. Қолавверса, янги алифбо пухта ишланмаса, вақт ўтиб, яна ислохот қилиш зарурати туғилмаслигига кафолат борми? Афсуски, лойиҳа муҳокамалари бундай хавфни инкор этмапти.

#### УЛКАН МАБЛАҒ ТАЛАБ ЭТАДИГАН БУ ИСЛОХОТГА ЎТА ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ ЗАРУР, ТОКИ ЯНА БИР НЕЧА ЎН ЙИЛ ЎТИБ, АЛИФБОНИ ЯНГИЛАШГА ЭҲТИЁЖ ҚОЛМАСИН. МУҲОКАМА ЭТИЛАЁТГАН АЛИФБО — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ВА МУКАММАЛ АЛИФБОСИГА АЙЛАНСИН!

#### ЛАТИН ГРАФИКАСИГА АСОСЛАНГАН ҚОЗОҚ ТИЛИ АЛИФБОСИ

№	Буква	Название буквы	№	Буква	Название буквы
1	Aa	a	18	Oo	o
2	Ää	ä	19	Öö	ö
3	Bb	бы	20	Pp	пы
4	Dd	ды	21	Qq	қы
5	Ee	e	22	Rr	рр
6	Ff	фр	23	Ss	сы
7	Gg	гг	24	Şş	шш
8	Gg	гы	25	Tt	ты
9	Hh	һһ	26	Uu	уу
10	Ii	йй	27	Üü	ү
11	h	й	28	ŮŮ	Ү
12	Jj	жж	29	Vv	вв
13	Kk	кк	30	Yy	yy
14	Ll	лл	31	Zz	zz
15	Mm	мм			
16	Nn	нн			
17	Ŋŋ	ңң			

\*Знаки С, X, W используются в иностранных словах на основе штатного принципа

**МУАССИС:**

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ  
(тахрир хайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Суҳроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМКУЛОВ,  
Ноҳира КАРИМОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
Темур МАМАЖОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари — «Ishonch-Доверие» бўливи),  
Меҳриддин ШУКУРОВ  
(Маъсул котиб — «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Маъсул котиб — «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари хайъти — (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти — (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти — (+998-99) 889-90-28  
Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28  
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти — (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти — (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилган шарт.

Муаллифнинг фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдураҳмонов

Мусахҳ: А. Абдулғафиров

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти — 23:20  
Топширилди — 23:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Буюртма Г — 606.  
30289 нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмачонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Iroteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТПР: 201133889,  
ОКЭД: 58130

Жаҳонгир НАҲАҲОНОВ,  
«ISHONCH»